

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ШАХЛОХОН ҒАНИЕВНА**

**ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК МАЗМУН ВА  
ШАКЛИЙ ИЗЛАНИШЛАР (Завқий, Муҳсиний ижоди мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Каримова Шахлохон Ганиевна**

Ўзбек мумтоз шеъриятида поэтик мазмун ва шаклий изланишлар  
(Завкий, Мухсиний ижоди мисолида)..... 3

**Каримова Шахлохон Ганиевна**

Поэтические содержания и поиск форм в узбекской классической поэзии  
(на примере творчества Завки, Мухсини)..... 25

**Karimova Shakhlokhon Ganiyevna**

Poetic content and form searching in classics poetry of Uzbek  
(in works of Zavki, Muxsini)..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ШАХЛОХОН ҒАНИЕВНА**

**ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК МАЗМУН ВА  
ШАКЛИЙ ИЗЛАНИШЛАР (Завқий, Муҳсиний ижоди мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2018.1.PhD/Fil526 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг [www.til-adabiyot.fan.uz](http://www.til-adabiyot.fan.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тўхлиев Боқижон**

филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жабборов Нурбой Абдулҳакимович**

филология фанлари доктори, профессор

**Жўрабоев Отабек Рустамбек ўғли**

филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Назаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

**Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Н.Ф.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., академик

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё адабиётшунослигида бадий асар қимматини белгилайдиган поэтик мазмун ва шакл муносабати, уларнинг ўзаро мутаносиблиги масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Натижада чинакам бадиият беқиёс шаклда ифодаланган умуминсоний қадриятларга уйғун мазмунни талаб этиши ойдинлашди. Айни пайтда, ҳар бир ижодкорнинг бадий шакл ва мазмун масаласига ёндашишда ўзига хослик, поэтик меросидаги анъана, янгилик ва маҳорат масалаларини яхлит ҳолда текшириш, асарларининг бадиият қонуниятини асосида ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳаммиша долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида, жумладан, Шарқ адабиётшунослигида адабий муҳитга хос белгилар, поэтик мазмун ва шакл, унинг муайян ижодкор шеъриятидаги ўрни, таъсирчанлик ва жозибadorликни оширишдаги аҳамияти, бу масалада анъана ва издошлик, новаторлик масалалари бўйича Хитой, Япония, Туркия, Тожикистон каби мамлакатларда бир қатор тадқиқотлар яратилди. Зеро, мумтоз адабиётимиз, хусусан, маърифатпарварлик даври ижодкорларининг адабий мероси кўламини аниқлаш, асарларида ифодаланган ғоя ва мазмунни англаш, уларнинг сўз санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини илмий асослаш каби йўналишларда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳам илмий-назарий аҳамиятга молик.

Мустақиллик шарофати билан маданиятимиз ва адабиётимизга эътиборнинг кучайиши аждоқларимизнинг поэтик тафаккури қудрати, теран заковати, буюк истеъдоди билан яратилган безавол меросни миллат ва Ватан манфаатлари нуқтаи назаридан холис ва ҳаққоний ўрганиш вазифасини юклайди. Зеро, адабиёт – “жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга”<sup>1</sup> дир. Бу масъулият миллий маънавиятимизнинг ривожланиш босқичида муҳим ўрин тутган, мумтоз сўз тарихининг энг мураккаб ва қизғин даври – маърифатпарварлик адабиёти ва унинг етакчи ижодкорлари адабий меросини ўрганишга ҳам тааллуқли. Убайдулло Завқий (1853–1921) ва Ҳусайнқули Муҳсиний (1860–1917)лар ҳам ана шундай ижодкорлар сирасига киради. Бу шоирлар адабий меросининг кўлами, мавзундарижаси, ғоявий хусусияти, салаф ҳамда замондош шоирлар билан адабий алоқаси, издошлик ва ўзига хос тасвир маҳорати етарлича ёритиб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори//Халқ сўзи. – 2017. – 14 сентябр. <http://www.lex.uz/ru/docs/3338600?twolang=true>

берилмаган. Ҳолбуки, улар мумтоз адабиёт тарихида мавжуд анъаналарни ўз даври шароитида давом эттирибгина қолмасдан, шаклий унсурларни ўзига хос усулда қўллашга, поэтик мазмунни бойитишга ҳаракат қилганлар. Ҳар икки шоирнинг нафақат XX аср бошлари Қўқон адабий муҳитида, балки мумтоз ўзбек адабиёти тарихидаги муносиб ўрнини белгилаш, лирик меросини соҳадаги сўнгги ютуқлар ва миллий истиқлол мафқураси асосида ўрганиш ва ўргатиш зарурияти тадқиқот мавзуси долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси комплекс чора тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 ноябрдаги 891-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 18 майдаги 292-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармойишлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида поэтик мазмун ва шаклга доир бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Шарқ адабиётшунослигида ҳам, жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳити ижодкорлари асарларидаги шакл ва мазмун муносабати билан боғлиқ масалалар бўйича қатор ишлар яратилган. Завқий ва Муҳсиний ҳаёти ва ижоди ҳақида илк маълумотлар Пўлотжон домудла Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” ҳамда “Ҳўқанд тарихи ва унинг адабиёти” асарларида учрайди<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. – 720 б. – Б. 381, 491-493. Шу муаллиф. Ҳўқанд тарихи ва унинг адабиёти. Нашрга тайёр. А.Қайюмов. – Тошкент: Tamaddun, 2011. – 380 б.

Адабиётшунос Ҳ.Раззоқов Завқийнинг 1500 мисрага яқин шеърӣй меросини илк бор китобча ҳолида 1958 ва 1960 йилларда нашр эттирди. Шоир ҳаёти ва ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади<sup>3</sup>. “Завқий” илмий рисоласини эълон қилди<sup>4</sup>. Шоир ҳаёти ва ижодига доир мақолалари илмий тўпламларда чоп этилди<sup>5</sup>.

А.Қаюмов, О.Шарафиддинов, И.Мўминов, Ғ.Каримов, А.Абдуғафуров, Э.Шодиев каби олимлар ҳам Завқий ижодига у ёки бу даражада муносабат билдиришган<sup>6</sup>. Шундан кейин Завқий шахсиятига, адабий меросига қизиқиш янада кучайди: шоир ижоди ўрта ва олий ўқув юртлари дастурлари ҳамда дарсликларидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Кейинги йиллардаги илмий изланишлар натижасида шоирнинг жамоатчиликка номаълум асарлари топилиб, шаҳар, вилоят, республика матбуотида эълон қилинди<sup>7</sup>.

Завқийнинг “Ажаб замона” номли китобига шоирнинг 1958–1960 йилларда нашр этилган “Танланган асарлар”идаги шеърлар асос қилиб олиниб, адабиётшунос А. Мадаминов шахсий кутубхонасидаги ноёб қўлёзмалардаги шоир қаламига мансуб намуналар билан тўлдирилган<sup>8</sup>. Шунингдек, истиқлол даврида шоир ҳаёти ва ижодига оид китоб нашр этилди<sup>9</sup>.

Муҳсиний ижоди эса нисбатан кам ўрганилган, унинг номи ҳам адабий жамоатчиликка у қадар маълум эмас. Шоир ҳақида М.Олимов<sup>10</sup> ва Р. Холиқовнинг<sup>11</sup> мақолалари мавжуд, холос. Девонларини тўплаш ва нашр этиш борасида Қўқон адабиёт музейи катта илмий ходими У.Неъматовнинг хизмати катта бўлди<sup>12</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Завқий ва Муҳсинийлар ижоди тадқиқига оид юқорида санаб ўтилган ишлар шоирлар ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш, оммалаштириш йўлидаги муҳим ишлар бўлса-да, уларнинг кўпи умумий

<sup>3</sup> Раззоқов Ҳ. Завқий ҳаёти ва ижоди: Филол.фан. номз... дисс. – Тошкент. 1953.

<sup>4</sup> Раззоқов Ҳ. Завқий. – Тошкент. 1955.

<sup>5</sup> Раззоқов Ҳ. Муқимий ва Завқий. Китобда: Фуркат ва Муқимий ҳақида мақолалар. – Тошкент. 1958. – Б. 132-147.

<sup>6</sup> Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Иккинчи том. XV-XIX асрлар (Олий педагогик ўқув юртлари учун). Тузувчи О.Шарафиддинов. – Тошкент: Ўздавнашр, 1945. – Б. 445-450; Шодиев Э. Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент, 1973. – Б. 120; Шу муаллиф. Завқий Хўжандда // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент, 1971. № 2. – Б. 73-76; Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларигача). – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 219-254; А.Абдуғафуров. Завқий ҳаёти ва ижоди. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж.4. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт, 1960. – Б. 179-219.

<sup>7</sup> Усманий.И. Кўнгулда халойиқ меҳри // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, № 34. Мадаминов А. Завқий васиятномаси // Меҳнат байроғи, 1983.4 декабрь, Улуғ демократ шоир // Меҳнат байроғи, 31 июнь, 1988., Янги топилган шеърлар // Қўқон садоси, 1993, 11 декабрь. Муҳаммадиев А. Ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди // Меҳнат байроғи, 1988, 16 декабрь. Тожибоев Р. “Ажаб эрмас” шеърининг тўлиқ нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент, 1997. № 3; Завқий шеърлятида замон садолари // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент, 2003. № 6.– Б. 51-54. Абдуғафуров А. Убайдулло Завқий // Тил ва адабиёт таълими. 2003, № 2, – Б. 56-62.

<sup>8</sup> Завқий. Ажаб замона. Нашрга тайёрловчилар: А.Мадаминов, А.Турдалиевлар. – Тошкент: Шарқ, 2003.

<sup>9</sup> Завқий ижоди // Мақолалар, хотиралар, шеърлар). – Фарғона, 2008.

<sup>10</sup> Олимов М. Муқимийга қасида ва унинг муаллифи // Ўзбекистон маданияти. 1966, 2 февраль.

<sup>11</sup> Холиков Р. Муҳсиний серкирра ижод соҳиби // Адабий мерос. – Тошкент: Фан, 1973. № 3, – Б. 264-271.

<sup>12</sup> Муҳсиний. Барҳаёт гулшан (Девон). Нашрга тайёрловчи: У.Неъматов. – Фарғона, 2008.

ахборот ёки айрим қайдлар ҳолида эди. Айримларида шоирлар ижоди ҳукмрон мафкура сабаб бир томонлама ўрганилди, бошқача талқин этилди. Бинобарин, диссертация мумтоз адабиётимиз тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган бу ижодкорлар шеърятини илк бор адабиётшуносликнинг сўнгги ютуқлари асосида атрофлича тадқиқ этилгани, асарларининг мавзу кўлами ва ғоявий олами, услуби, тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган, нотўғри ёки бир ёқлама ўрганилган жиҳатлар таҳлил этилгани билан аввалги ишлардан фарқ қилади. Бу каби масалаларни ўрганиш, биринчидан, мумтоз адабиётимизнинг тадрижий босқичларидан бирини тўлиқроқ идрок этиш, иккинчидан, адабий муҳитдаги анъана, янгилик, бадий талқин масалаларини янада ёрқинроқ тушуниш, учинчидан, ҳар икки шоир лирикасининг поэтик хусусиятларини аниқлаш, ўзига хосликларини белгилаш жиҳатидан илмий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режасига мувофиқ тарзда ФА-Ф1-Г039 «Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» (2012 – 2016), ОТ-Ф1-77 «Ўзбек адабиёти дурдоналари» (2017 – 2020) лойиҳалари асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мумтоз меросимизга муносиб улуш бўлган Завқий шеърятини ва ҳалигача махсус тадқиқот объекти бўлмаган Муҳсиний ижодининг ўзига хос жиҳатларини адабиётшуносликдаги янгича қарашлар ҳамда илмий мезонлар асосида белгилаш, уларнинг ғоявий-бадий оламини, давр адабий ҳаётидаги мавқеини асослаш, шеърятдаги поэтик мазмун ва бадий шакл масаласи, улар мутаносиблигининг намоён бўлиш жиҳатларини ёритишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Завқий ва Муҳсиний ижодининг ўрганилиш тарихини янги маълумотлар билан бойитиш;

ҳар икки шоир лирик меросининг тасвир объекти, мавзулар йўналишини аниқлаш, анъанавийлик ва ўзига хосликнинг мутаносиблик даражасини муайянлаштириш;

мазкур шоирлар шеърятда лирик жанрларнинг қўлланилиш даражаси, лирик жанрлар амалиётига киритилган янгиликлар моҳиятини белгилаш;

Завқий ва Муҳсиний шеърятдаги шаклий унсурлар – вазн, қофия, радифларнинг шоирлар маҳоратини белгилашдаги ўрни ва вазифасини аниқлаш;

“Илми қофия”га муносабатдаги ўзгаришлар моҳиятини тавсифлаш;

Завқий ва Муҳсинийнинг маърифатчилик адабиётининг забардаст намояндалари, истеъдодли ижодкорлари эканини исботлашдир.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Завқий ва Муҳсинийнинг шу пайтга қадар аниқланган ва нашр этилган шеърлари, асосан, “Ажаб замона” тўплами ва “Барҳаёт гулшан” девонидаги асарлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Завқий ва Муҳсиний шеърлятидаги поэтик мазмун ва шаклий унсурлар мутаносиблиги масаласи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, контекстуал ва герменевтик методнинг интерпретация усулидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Завқий, Муҳсинийлар шеърлятининг шаклланиши ва такомилдаги тарихий-ижтимоий, адабий-эстетик ҳамда ижодий омиллар далилланган;

поэтик мазмуннинг ижодкор дунёқараши ва истеъдодига боғлиқ жиҳатлари, ифодасидаги ўзига хосликлар Завқий ва Муҳсиний ижоди мисолида аниқланган;

шеърлий унсурлар (вазн, қофия ва радиф)нинг поэтик мазмунга таъсири ва ўзаро муносабати, бу борада анъана ва маҳорат даражаси кўрсатилган;

ижодкорларнинг мумтоз анъаналарга муносабати, устоз салафларга издошлик, бадииятда ўзига хослик масалалари текширилиб, Қўқон адабий муҳитининг маҳоратли ижодкорларидан бўлгани, мумтоз адабиёт тарихида муносиб ўринга эгаллиги, шеърляти анъана ва новаторликнинг уйғунлашуви намунаси экани исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Завқий ва Муҳсинийлар поэтик маҳоратига алоқадор масалаларнинг миллий ғоя ва янгилаш илмий қарашлар асосида тадқиқ этилгани маърифатчилик даври адабиёти, Қўқон адабий муҳити ва унинг истеъдодли вакиллари ижоди юзасидан яратилажак дарслик, қўлланма ва маъруза матнларининг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Шинжонгдаги уйғур-ўзбек адабиётшуносларининг Завқий ижоди бўйича ишлари илк марта аниқланиб, илмий истеъмолга киритилган;

шоирлар ижодидаги ислом маърифати ва тасаввуф ахлоқи талқини илк бор амалга оширилган;

Муҳсиний шеърляти илк бор тадқиқот объекти сифатида танланиб, шахсияти ва ижоди тарихий нуқтаи назардан баҳоланган;

Завқий ва Муҳсиний каби шоирларимизнинг миллий, ижтимоий-сиёсий тафаккуримиз тараққиётидаги ҳиссасини ўрганиш мумтоз мероснинг ёш авлод тарбиясида, жумладан, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик такомиллашувида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал ва комплекс таҳлил каби усуллар орқали асослангани, ишончли назарий манбалар ҳамда луғатлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда чиқарилган назарий хулосалар мумтоз поэтикага оид қарашларни кенгайтириб, поэтик мазмун ва шакл билан боғлиқ адабий-назарий фикрларни мукаммаллаштириш, Завқий ва Муҳсинийлар ҳаёти ва фаолиятига доир янги маълумотлар берилгани, янги топилган асарлари таҳлил этилгани, улар ижодидаги анъана ва новаторликка оид назарий қарашларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан мавзуга оид мақолалар, тадқиқотлар, рисола ва диссертациялар ёзишда, таълим тизимида, хусусан, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълимда Завқий ҳаёти ва адабий фаолияти, адабиёт қоидаларига оид маълумотлар беришда, олий таълим тизимида адабиёт тарихи, мумтоз поэтика асослари, адабиётшунослик асослари фанларидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Завқий ва Муҳсиний шеърятининг мавзу-ғояси, унда поэтик мазмун ва шаклий изланишлар, уларнинг мутаносиблик жиҳатлари, шоирларнинг бу борада ўзига хос ижодий тамойиллари бўйича олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

Завқийнинг нисбатан тўлдирилган таржимаи ҳоли, поэтикасига хос белгилар, жанрий таркиби хусусиятларига доир маълумотлардан ФА-Ф8-рақамли “15 жилдли “Ўзбек фольклори ва адабиёт тарихи” фундаментал лойиҳасида (2007–2011) фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги ФТА-02-11/1059-сон маълумотномаси). Натижада Завқий ҳаёти ва адабий фаолиятига доир маълумотлар янгиланган, шоир шеърятидаги поэтик мазмун ва ифода масалаларини янада кенгроқ ёритиш имконияти юзага келган;

Муҳсиний ва Завқий асарларининг қўлёзма манбалари ҳақидаги маълумотлардан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида янгидан ташкил этилаётган “XVI-XIX асрлар ўзбек адабиёти”, “Миллий уйғониш давр адабиёти” мавзуларидаги экспозиция бўлимларининг тегишли қисмларини яратишда фойдаланилган ҳамда музей ашёлари электрон каталоги ва инфокиоск материаллар базасига киритилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 23 июлдаги № 3/1255-1942-сон маълумотномаси). Натижада музей фонди Завқий ва Муҳсиний асарларининг қўлёзма нусхалари ва дастхат девонлари, айрим шеърлари киритилган баёзлар ҳақидаги маълумотлар билан бойитилган;

ҳар икки шоир ижодининг кенгроқ тарғиб қилинишида “Зиё” медиа маркази томонидан эфирга узатилган қатор ахлоқий-маърифий кўрсатувларда Завқий ва Муҳсиний ижодидаги ҳикматли байтлар, ибратли мисралар талқини ва таҳлилида диссертациядаги назарий қарашлар ва хулосалардан фойдаланилган (Тошкент ислом университети “Зиё” медиа марказининг 2017 йил 4 октябрдаги № 05-10-17-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплигини оширишга эришилган;

Фарғона вилояти “Завқий” жамғармаси томонидан ташкил этилган адабий-маърифий тадбирлар ҳамда жамғарма ҳомийлигида нашр этилган “Завқий ижоди” тўпламида диссертациядаги шоир ижодига доир янги маълумотлар ва илмий-назарий қарашлардан фойдаланилган (“Завқий” жамғармасининг 2017 йил 5 октябрдаги маълумотномаси). Жумладан, шоир умрбаёнига киритилган янгиликлар, Қашқардаги авлодлари, девони тақдирига оид маълумотлар, сўнгги йилларда топилган шеърлари таҳлилини омма эътиборига етказишда муҳим манба бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика конференцияларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, иловадан ташкил топган. 143 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қўқон адабий муҳитида Завқий ва Муҳсиний ижодининг ўзига хос ўрни”** деб номланувчи биринчи бобининг биринчи фасли Завқий ва Муҳсиний ижодининг ўрганилишига бағишланган. Унда шоирлар ижоди бўйича амалга оширилган барча ишлар назардан ўтказилиб, уларга муносабат билдирилди ва баҳоланди. Ҳар икки шоир ҳаёти ва ижодига доир илк манба сифатида П.Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” асаридаги маълумотлар, “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти”<sup>13</sup> асаридаги қайдлар, шунингдек, авлодлари эсдаликларининг шоирлар ижодини ўрганишдаги аҳамияти эътироф этилди.

Завқий таржимаи ҳоли ва ижодига доир манбаларни тўплаш, ўрганиш, уларни яхлит бир тизим ҳолига келтириш борасида илк завқийшунос

---

<sup>13</sup>Қайюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти (материаллар ва хотиралар). Нашрга тайёрловчи: А.Қайюмов. – Тошкент: Tamaddun, 2001. – Б.380.

олимлар иши таҳлилга тортилди. Қўқонлик журналист ва ёзувчи Шариф Ризо бир нечта мақола ва очерк эълон қилган<sup>14</sup>, унинг “Ўч” номли воқеий ҳикояси шоир биографиясини ўрганишга доир тарихий манба сифатида эътибор қозонган эди. Шунингдек, Ҳ.Раззоқовнинг шоир ижоди бўйича номзодлик иши<sup>15</sup>, рисоласи<sup>16</sup>, шеърларининг икки бор нашри<sup>17</sup> ва унинг бугунги кунимиздаги аҳамияти ва нашрий камчиликлари ҳақида фикр юритилди.

Давр тақозоси, ҳукмрон мафкура талаблари ўлароқ шоир ижоди бир томонлама ўрганилди, баъзи шеърларининг ғояси ва мазмуни хато талқин қилинди. Ҳар иккала нашрдаги баъзи шеърлар матни жиддий “таҳрир”лар билан босилди, уларга бирёқлама муносабат билдирилди. Бу ҳол, айниқса, шоир мухаммасларида кўзга ташланади. Улардаги айнан муаллиф истаги ва нияти, оғриқли қалб нидоси ифодаланган ўринлар ўзгартирилган, зеро ўша пайтларда дин, шариат ишларидан сўз юритилмас, ниҳоятда “қалтис” ҳаракат ҳисобланарди. Масалан, “Кўз очайлик” радифли бу мухаммасининг иккинчи 2-бандидан бўлак барча бандлари шўро мафкурасига “мослаштирилган”:

“Танланган асарлар”да:

Асл матн эса қуйидагича эди:

*Зулматда ётган элни(нг) ёндурдилар чароғин,  
Маҳкам тутинг, фурсат қиймат анинг яроғин,  
Истанг амаллик олим – раҳбарларнинг сўроғин,  
Очинг аҳолиларнинг ғафлатда кар қулоғин,  
Бас эмди сусткашлик, журъатга кўз очайлик!*

*Ҳуррият мушовот ёндирдулар чироғин,  
Маҳкам тутунг бу фурсат шаръи шариф яроғин,  
Истанг амаллик олим фатвосининг сўроғин,  
Очинг аҳолиларни(нг) ғафлатда кар қулоғин,  
Бас эмди сусткашлик, журъатга кўз очайлик!*

Кўришиб турганидек, шеър мазмунига тўғри келмайдиган сўз ва иборалар алмаштирилган ва банднинг мазмуни тушунарсиз ва мавҳум бир кўриниш олган. Шунингдек, ишда “Ажаб эрмас”, “Фарғона”, “Роҳзан Эргаш” каби асарларининг ҳам асл матнларига таянган ҳолда таҳлил ва хулосалар берилди.

Сўнгги йиллардаги изланишлар натижасида топилган шоирнинг бир қатор асарлари шаҳар, вилоят, республика матбуотларида чоп этилиши, ижодининг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар тўплами<sup>18</sup> ва нисбатан мукамал шеърлар нашри<sup>19</sup>нинг завқийшуносликдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилди. Фарғонада шоир авлодлари ташаббуси билан ташкил этилган “Завқий фонди” илк бор илмий жамоатчиликка таништирилди.

<sup>14</sup>Бу ҳақда қаранг: “Янги Фарғона” газетаси 1939, № 20, “Гулистон” 1939, № 1, “Литература и искусство Узбекистана” 1940, № 3.

<sup>15</sup> Раззоқов Ҳ. Завқий ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1953.

<sup>16</sup> Раззоқов Ҳ. Завқий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1955.

<sup>17</sup> Завқий. Танланган асарлар. – Тошкент, 1958, 1960. Нашрга тайёрловчи: ф.ф.н. Ҳ. Раззоқов.

<sup>18</sup> Завқий ижоди (мақолалар, хотиралар, шеърлар). – Фарғона, 2008.

<sup>19</sup> Завқий. Ажаб замона. Шеърлар. – Тошкент: Шарк, 2003. (Ишда шоир қаламига мансуб барча мисоллар ушбу китобдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилди). *Завқий ҳаётлигида Девон тузган, кейинчалик шоирнинг уйғур рафиқаси томонидан Қашқарга олиб кетилган. Бу ҳақда қизи Ханифахон аянинг мактуби мавжуд. 2012 йили шоирнинг эвараси О.Ёқубов (у киши завқийшуносликдаги изланишларга бирмунча имкониятлар яратиш мақсадида “Завқий” фонди ташкил этган) Қашқардаги авлодларни топиб, улар билан учрашди. Девон тақдири билан қизиқди. Афсуски, маданий инқилоб даврида унинг (60-йилларда) ёқиб юборилгани маълум бўлди. (Ш.К.)*



ўзгаришлар яшашга олиб келиши табиий”, – дея баҳолайди<sup>25</sup>. “Миллат дарди билан тўла адабиёт”<sup>26</sup>нинг мақсади, мавзуси, қаҳрамонлари, ифода услубида ўзгаришлар, анъаналар бағрида янгиликларга интилиш ҳаракатлари илк бор мумтоз адабиётнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этган Қўқон адабий муҳитида кўзга ташланади. Завқий ва Муҳсиний ана шундай муҳитда камолга етган истеъдод соҳибларидан эди.

Завқийдаги фавқулодда истеъдод, теран фикр, жасур овоз ижодининг халқчил бўлишини таъминлаган омиллардан ҳисобланади. У мумтоз анъаналарга таянган ҳолда янгича мазмун, янгича йўналишда ижод қилган, ўз услубига эга шоир сифатида адабиётимиз тарихида муносиб ўрин эгаллади.

Завқийнинг бизгача етиб келган шеърлари 2 минг мисрага яқин. Уларнинг ҳажман катта қисмини – ғазал ва маснавий каби анъанавий жанрларда ёзилган шеърлар ташкил қилади. Бундан ташқари шоирнинг ўнлаб мухаммаслари ва тахмислари, мусаддас ва таърихлари, Муқимий билан Қўқон атрофидаги қишлоқ ва шаҳарларини кезиш жараёнидаги сафар таассуротлари ифодаланган саёхатномалари тўлиқ сақланган. Завқий ижодида замонанинг айрим бадфеъл, манфур кимсаларидан, дин ва шарият ишларининг сусайганидан норозилик, аччиқ кулгу ва кескин танқид унга замондош шоирларга нисбатан анча кучли. Қўйидаги байтнинг поэтик тасвир усулига эътибор қилайлик:

*Лабини тишлабон қилди табассум ул моҳи анвар,  
Қизил гул гунчаси-да йиғлади, мен бир хино кўрдум.* (“А.З”, – Б.38)

Гўзаллик рамзи бўлган қизил гулнинг кўз ёш тўкиши ташхис санъати бўлиб, ҳусни таълил санъати учун ҳам асос вазифасини бажаряпти. Бундан ташқари тасвирланаётган маъшуқа тимсоли истиора (маҳи анвар, қизил гул), таносуб (гул, гунча, хино), ташхис (ойнинг инсонлардек лабини тишлаб, табассум қилиши, гунчанинг кўз ёш тўкиши) санъатлари орқали янада ёрқинроқ, жозибадор тасвирланмоқда. Айни пайтда ҳодисалар моҳиятини алоҳида-алоҳида деталлар орқали кўрсатиб бериш – тафриқ санъати ҳам жуда гўзал тарзда акс этган. У қизил гул ҳам йиғлади, мен эса (унда) хино (рангини) кўрдим шаклида мужассамлашган.

Завқийнинг бизгача етиб келган шеъринг меросида замонавий мавзуда битилган манзумалар асосий қисмини ташкил этишини адабиётшунос Р.Тожибоев “шоирнинг замон билан ҳамнафас бўлишга интилгани, даврнинг шиддатли воқеаларига ижодкор сифатида баҳо беришга уринганидан” деб изоҳлайди<sup>27</sup>. Айниқса, “Қаҳатлик” достони, “Кўз очайлик”, “Фарёд, эй гардуни дун...” мухаммаслари, “Бўл” радифли ғазалларида шоирнинг мавжуд тузумдан, жохил, ноқобил, худбин

<sup>25</sup> Ҳамдам У. Ўзбек шеърятининг поэтик янгиланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. № 2. – Б.12.

<sup>26</sup> Қосимов Б. Авлод тарбияси – миллат тарбияси. Китобда: Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011. – 320 б. – Б.159.

<sup>27</sup> Тожибоев Р. Завқий шеърятини замон садоси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. № 6. – Б. 53-56.

кишилардан, ҳеч ким ҳақ сўзни айтмаслигидан, дунёнинг бевафолигидан шикоятлари ифодаланади.

Реалистик шеърларида лирик қаҳрамоннинг туйғу ва кечинмалари ифодасидан кўра, замонга берилган тавсиф, ўткир танқидий баҳо устунлик қилади. Айниқса, ўша даврдаги энг долзарб ижтимоий-сиёсий мавзунини тўла халқчил руҳда бадиий таҳлил этиш, замона “эгалари”ни кескин ҳажв қилиш бобида Завқий ўта журъатли бўлди. У содда, оммабоп тилда ёзишга интилдиди, мумтоз адабиётимизда қўлланиб келинган кўтаринки услуб, дабдабали китобий сўзлардан қочиб, жонли сўзлашув тили (*санго қул бўлгоним бўлгон, айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча*), ибора ва халқона маталлар (*қилмиш-қидирмиш, жон рамаққа етди, қўл яқода юргудек, арзон эмас беиллат, қиммат эмас беҳикмат*), аскиянамо қочиримлар (*қариса қуйилмас, ит қувган соқовдек*), тигли сўз ўйинлар (*оғзинг кам очиб, ибрат кўзинг очғил, келичасини сотиб, балки еди сотини*), лақаб ва қарғиш сўзлар (*Соли хез, Шокир қора, мубтало бўлғил илоҳо подшонинг дориға, занчалиш*), неологизмлар (*кредит, приступ, фрасон, бонка, фротис, кантўри ва ҳ.к*)дан маҳорат билан фойдаланди.

Завқийнинг поэтик маҳорати ўлароқ бонка, фоиз, сўлкабой, ахча каби истеъмолга кириб келаётган русча сўзлар асосида янги истиора, ўхшатишлар яратилган: банк – “ўрусни(нг) сандуқи” каби ташбеҳлар давр адабиёти учун янги бадиий топилмалар эди. Унинг ишқий шеърларидаги ошиқ – лирик қаҳрамон кечинма-туйғулари тасвирида ҳам мумтоз ва замондош шоирлардан фарқланиш бор: лирик қаҳрамон – ишқда собит, сабрли, маъшуқа жафоларини мардонавор кўтарадиган, ҳижрон азоблари ва машаққатларидан асло чўчимайдиган ошиқ. Унинг шеърларида маъшуқага ёлвориш, дарду ҳасратларини дoston қилиб, раҳмини келтириш, “қадди дуто”, “бағри хун” бўлиб, интизорликда ҳаёт кечирishi каби анъанавий шеърятдаги ҳолатлар деярли учрамайди.

Завқийга замондош серқирра ижодкорлардан яна бири Ҳусайнқули Муҳсиний (1850–1917)дир<sup>28</sup>. Шоир ижоди бирмунча анъанавий. Шакл, мазмун, поэтик ифода усуллари жиҳатидан мумтоз адабиётимизнинг узвий давоми сифатида яратилган асарлари замонавий мавзулар мадҳи, янгиликлар тарғиботи ва ташвиқоти назарда тутилган шеърларига нисбатан салмоқли ўрин эгаллайди. Табиат воқеа-ҳодисаларини, ижтимоий турмушни ўзгача дид ва нигоҳ билан кузатиш имкони шоир шеърятини безайди. Бу билан шеърларининг халқчил ва ўқишли, таъсирчан ва

---

<sup>28</sup>Шоирнинг тўлиқ исми Ҳусайнқули бинни Сулаймонқули бўлиб, Муҳсиний унинг адабий тахаллусидир. У 1860 йилда Қўқонда савдогар оиласида туғилган. Ҳусайнқули дастлабки таҳсилни маҳалла масжиди қошидаги мактабда олган. У мактабни тамомлагач, отасининг ёрдами билан дастлаб Мирзо Ёдгор, сўнгра Ҳоким ойим мадрасаларида ўқийди. Шоирнинг отаси илм-маърифатни қадрлайдиган, айниқса, мумтоз шеърятнинг нозик томонларини яхши тушунадиган киши бўлган. Шоирнинг мукамал илм олишида ва ижодкорлик салоҳиятининг шаклланишида отаси Сулаймонқулининг хизмати катта бўлган. Бўлажак шоир ёшлигидан салаф ва замондош шоирлар ижодига катта қизиқиш билан қараган. Савдо ва дўкон ишлари билан бирга бадиий ижод, хаттотлик, таржимонлик билан ҳам шуғулланади. Яшаб ижод этган даври ҳар жиҳатдан мураккаб, турли таҳликаларга тўла бўлганлиги сабабли Муҳсиний каби ижодкорлар ўта оғир ҳаёт кечирди. Шоир ҳижрий 1336 йил (милодий 1917 йил) кузида муҳаррам ойида 57 ёшида вафот этади. Қабри Қўқоннинг Шайхон қабристонида. Умри давомида 3 марта девон тузган.

завқбахшлигини оширишга эришган. Ҳаётӣ деталлардан моҳирона фойдаланиш, ўринли таққослар ва жонлантиришлар қўллаш тасвирнинг ишонарли ва таъсирчанлигини таъминлаган.

Мумтоз адабиётда юз – моҳ (ой)га қиёсланиши, ойнанинг иссиқлик белгисидан фойдаланиб, *оташин* сифати ишлатилиши, қора хол ҳинду, ҳинду бачага қиёсланиши анъанавий ташбеҳ, бироқ улардан фарқли равишда шоир юздаги холлар тасвирида оташинлик белгисини кучайтириб, уни оловга тенглаштиради, бу гулхан атрофида эса ҳиндуларнинг исиниб ўтиришини бадиий кашфиёт қилади:

*Оташин моҳ юзунг устида ҳар холларинг  
Гулхан ўтида ўтурмишки валийи ҳинду*<sup>29</sup>.

Бадиий ижодда Навоий, Лutfий, Ҳофиз, Фузулий, Амирий каби хассос ва беназир шоирлар поэтик анъаналарини ўзига хос давом эттирган Муҳсиний шеърятининг мавзу-мундарижаси ранг-баранг, ғоявий йўналиши кенг. Фаслда ҳар икки шоирнинг адабий муҳитда, балки мумтоз сўз санъати тарихидаги ўрни белгиланди.

Ишнинг **“Поэтик тасвир ва бадиий маҳорат”** деб номланувчи иккинчи бобида Завқий ва Муҳсиний шеърятининг мавзу-мундарижаси ва адабий таъсир масалалари тадқиқ қилинди. Шоирларнинг бизгача етиб келган адабий меросини<sup>30</sup> мавзу ва ғоявий йўналишига кўра турларга бўлиб ўргандик:

“Ажаб замона” китобидаги 121 та шеърдан:

Ишқий	Маърифий-дидактик	Исломи маърифати ва тасаввуфий ахлоқ	Ижтимоий-сиёсий	Ҳажвий
33 та	17 та	12 та	35 та	26 та

“Барҳаёт гулшан” китобидаги 213 та шеърлардан:

Ишқий	Маърифий-дидактик	Исломи маърифати ва тасаввуфий ахлоқ	Ижтимоий сиёсий	Ҳажвий
78 та	42 та	38 та	52 та	3 та

Муҳсиний шеърятининг асосий мазмун-моҳиятини ишқ ташкил этади. Шоирнинг барча қарашлари мана шу “ишқ” тушунчасига бориб тақалади. Унингча, ошиқлик – комил инсонга хос хусусиятлардан бирламчиси. Бу фикр хилма-хил ҳаётӣ тимсоллар орқали ифода қилинади. Маъшуқа – бир восита. Аслида, Яратганга муҳаббат, унинг синовларига тайёрлик, тайин этган қисматига сабр, берган ризқига қаноат сингари ҳолатлар шеърӣ мисралар қатига сингган.

Ишда “Ишқ ўти тушти танға...”, “Гул юзинг ишқиди”, “Ҳайрат олди ақлими...”, “Тўкти олам қонини...”, “Эй лаби ғунчаи раъно...”, “Жонға ҳар

<sup>29</sup>Муҳсиний. Барҳаёт гулшан. (Девон). – Фарғона: 2008. – Б.89. (Кейинги мисоллар мазкур нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади – Ш.К)

<sup>30</sup> Ишда бу икки шоир қаламига мансуб барча мисоллар Завқийнинг “Ажаб замона” (2003), Муҳсинийнинг “Барҳаёт гулшан” (2008) китобларидан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. Албатта, бу кўлам нисбийдир (Ш.К.).

бир сўзларингдур” каби қатор ғазалларидаги ошиқлик ва унинг ранжу балолари, маъшуканинг нозу истиғносию гўзаллиги таърифлари таҳлилга тортилди.

Завқийнинг лирик қаҳрамони анъанавий ошиқлардан бирмунча фарқ қилади. Унинг характерида қизиққонлик, ноҳақликни кўтара олмаслик, кескинлик, орзу-умидга қатъий интилувчанлик ҳислари бор. Шу билан бирга, унинг тили ўткир, сўзлари кескир, баъзан маъшуканинг нозу истиғноларини аяш мотиви учрамайди:

*Мани ул хору зор этти, фироқ жонимга кор этти,*

*Кўнгулни беқарор этти, на иш қилди бу жонимга? (“А. з”. – Б. 11)*

Шунингдек, ишда шоирнинг “Ажойиб шўх экансан...”, “Кўз тутармен кеча-кундуз...”, “Эй сабо, биздин дуо...”, “Танимни оташи ишқингда...”, “Термулуб булбул каби...” ғазаллари таҳлили берилди.

Ислом маърифати ва тасаввуф ахлоқи мавзуси бунгача ҳар икки шоир лирикасига оид ишларда таҳлил қилинмаган. Мадраса таҳсилини кўрган, ҳаж амалини бажарган шоирлар шеърятини мазкур мавзулардан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, Завқийнинг “Йиғлаб демадик, аҳбоб”, “Дари тавба очукдир”, “Даргаҳинга ҳожатлар...”, Муҳсинийнинг “Ё Раб”, “Ошиқ” радибли ғазалларида ифодаланган ғоялар, қўлланган тимсоллар, поэтик мазмун ва шаклий унсурлар мисолида тегишли хулосалар чиқарилди.

Шоирлар ҳаётни тубдан яхшиловчи, жамиятни, мамлакатни қоқоқликдан, зулматдан қутқарувчи, халқни фаровон ҳаётга етакловчи йўл – маърифат деб билди. Муҳсиний илм эгасини улуғлар экан, аввало, уни “ҳидоят нурининг шуъласи” деб атайди, унга икки дунё саодати калити деб қарайди, ёшлиқдан илм ўрганишга тарғиб қилади.

Ахлоқий мавзудаги шеърларида инсоний фазилатлар улуғланади, салбий иллатлар аёвсиз қораланади. Нафс, фано, бақо, ориф, зоҳид, пир, мурид, ўзлик каби тимсол ва тушунчалар бу туркум ғазалларда муқим ўрин эгаллайди.

Муҳсиний лирикасида ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърлар Завқий лирикасига нисбатан кам учрайди. Шундай бўлса-да, шоир даврга очиқ кўз билан боқиб, унда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни теран идрок этади. “Ваҳки, Фарғона эли мотамсаро бўлди, дариг”, “Ваҳки, бу чархи ситамгар ғами дил реш этти,” шунингдек, маъвиза характерида бўлса-да, ижтимоий кайфият устунлик қилган “Эй укам, ёр ўлсангиз, кўз ошнои ўлмағил” шеърлари таҳлилга тортилди.

Муҳсиний ҳам бошқа шоирлар қатори инқилобни катта умид ва истаклар билан кутиб олган эди. Афсуски, инқилоб улар кутган натижани берамади. Шоирнинг 1917 йил воқеаларига бағишланган “Хуррият” мухаммасида тарихий ҳақиқат жонли тасвирланади. “Хуррият дилни чиркин ювмоққа монанди собундир” дея катта умидлар қилаётган шоир инқилобдан сўнг жамиятдаги носозликлар тугашига, халқ турмуши яхшиланишига ишонган эди, бироқ унинг орзулари армонга айланди.

Замондошларидан муносиб эъзоз кўрмаган, салоҳияти ва иқтидори ўз баҳосини топмаган шоир дилидаги оғриклар унинг “Толеем шум бўлса, кимга бахтим арз этай”, “...ери бораринг йўқмудур санинг”, “..қадринг на билсун эл” каби шеърларида ҳам ўз исботини топган:

*Ҳайфким, беқадрдурсан, Муҳсиний, халқ ичраким,  
Кишвари Фарғонада борму санингдек ёна, йўх. (“Б.г.” – Б. 38.)*

Завқий ва Муҳсиний худди Муқимий, Фурқат каби ижодкорлар қатори ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига шоирона дид ва ўткир ақл билан баҳо бердилар, уларнинг танқидий муносабатлари шеърларида акс этди. Ишда Завқийнинг “Аҳли раста ҳажви”, “Таладинг баринг”, “Ғўдаслик бой”, “Афандилар”, “Сув жанжали”, “Қаҳатлик”, “Ажаб эрмас”, “Фарғона” каби асарлари таҳлил қилинди.

Бобнинг иккинчи фаслида Завқий ва Муҳсиний ижодидаги адабий таъсир масалалари таҳлил этилган. Адабий таъсир ва анъаналарга муносиб издошлик намуналаридан бири назирагўйликдир. Ҳар икки шоирнинг ижодининг ижтимоий-фалсафий салмоғини, бадий қимматини оширишдаги ютуқлари Фузулий каби забардаст ғазалнавислардан олган адабий сабоғи ва таъсири самараси эди.

Муҳсиний нафақат Фузулий ижодининг ошуфтаси эди, балки унинг давомчиси бўлиб, анъаналарга ижодий муносабатда бўлди, натижада бадий тасвир, бадий маҳоратда ўзига хос янги поэтик талқинларни яратишга муваффақ бўлди.

Завқий ва Муҳсиний ҳам Навоий ижодий меросидан илҳомландилар, ўзларига маъқул топган шеърларига назира-татаббуъ ёздилар, мухаммаслар боғладилар. Навоийга издошлик Завқий ва Муҳсиний асарларининг бир қатор хусусиятларида намоён бўлади. Шундай хусусиятлардан бири Навоий шеърида таҳлил этилган тасаввуфий тушунчалар мазмуни ёки ифода усули шоирлар ижодида давом эттирилгани, тўлдирилганидир.

Муқимий ва Фурқат шеъриятига хос жиҳатлар Завқийга жуда яқин, бир-бирига ўхшаш. Мавзу-ғоя, образ, тимсол яратишда улар бир-бирларига ижодий эргашганлар. Бироқ Завқийда кескин танқид, ўткир ҳажв, аччиқ тил билан фош қилиш услуби етакчи.

Завқий шеъриятдан замондош ижодкорлар ҳам таъсирланиб, унга назира боғлаганлар. Завқий шеърияти Дилафгор ва Барқий каби уйғур ва ўзбек шоирлари учун адабий мактаб вазифасини ўтаган, ҳар икки ижодкорга сезиларли таъсир кўрсатган. Бу бир томондан, Дилафкор ва Барқий каби уйғур-ўзбек классик шоирлари ижоди билан танишиш имконини берса, бир томондан, Шинжонгдаги ўзбек шоирлари билан Туркистондаги ижодкорларнинг ўша даврдаги адабий алоқа ва адабий таъсирларига ойдинлик киритишга ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Завқий ва Муҳсиний ижодида шаклий изланишлар**” деб номланиб, унинг биринчи фаслида ҳар икки шоир мурожаат этган шеърий жанрлар таҳлил қилинди.

Завқий<sup>31</sup>да:

Ғазал	Мухаммас	Мусаддас	Шеърӣ мактуб	Қитъа	Саёҳатнома	Таърих	Маснавий
72 та	24 та	3 та	2 та	1 та	1та	8 та	3 та

Муҳсиний<sup>32</sup>да:

Ғазал	Мухам-мас	Мустазод Мусаддас	Мусам-ман	Қасида	Шеърӣ мактуб	Таърих	Таржеъ банд	Рубоӣ
138 та	13 та	1 та дан	2 та	3 та	4 та	14 та	1 та	27та

Завқий ва Муҳсиний ижодида ғазалдан етакчи шеърӣ шакл сифатида кенг фойдаланилди, жанр имкониятлари янада кенгайтирилди, янги поэтик мазмун билан бойитилди. Ишда ошиқона, орфона, риндона, ахлоқий-маърифий, ижтимоӣ-сиёсий мавзудаги қатор ғазаллари таҳлил этилди. Байтлар сони кўпинча, анъанавий 5, 7, 9, 11 байтли бўлса-да, Завқийда 15 (“Бектурбой” радифли), 13 байтли (“Ғўдаслик бой ҳақида ҳажв”, “Қулоқ солинг, ёронлар”) ғазаллар ҳам учрайди. Давр адабиётида ғазал жанри орқали қўлланилган шеърӣ усуллардан бири бу мувашшаҳдир. Завқий жами 19 ғазалида ушбу усулдан моҳирона фойдаланган.

